



O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ
VATAN —
BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2010-yil • 27-mart • Shanba • 38 (30.158) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz www.uzbekistonovozi.uz

Жорий йилнинг май ойида пойтахтимизда Осиё тараққиёт банки (ОТБ) Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлиси бўлиб ўтади. Мазкур йирик халқаро молия ташкилотининг бундай муҳим форумининг Тошкентда ўтказилиши Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар «Ўзбек модели» самарадорлиги дунё миқёсида эътироф этилаётганининг яна бир далилидир.

Ўзбекистон – ОТБ: Ҳамкорлик изчил ривожланмоқда

Дунё мамлакатларининг аксарияти жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бошдан кечириётган ҳозирги шароитда, яъни бу давлатларда ишлаб чиқариш ва аҳоли турмуш даражаси кескин тушиб кетган бир пайтда Ўзбекистоннинг эришаётган ютуқлари, айниқса, яққол намоён бўлмоқда. Мамлакатимизда 2009 йилда инқирозга қарши чораларнинг қабул қилиниши натижасида ялпи ички маҳсулот 8,1 фоиз, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш ҳажми 9 ва 5,7 фоиз ўсди, 940 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил қилинди, аҳолининг реал даромади 26,5 фоиз ошди.

Бундай салмоқли натижалар давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган машҳур беш тамойилга асосланган мамлакатни ривожлантириш, янгилаш ва модернизация қилиш бўйича танланган стратегиянинг нечоғли тўғрилигини тасдиқлайди. Кенг қўлмалли ислохотларнинг, жумладан, Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида, изчил ва босқинча-босқич амалга оширилиши Ўзбекистонда иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг барқарор суръатлари, аҳоли фаровонлигининг ўсишини таъминлаш имконини бермоқда. Бундай муваффақиятни дунёнинг санъатли давлатларидагина кузатиш мумкин.

Бу халқаро ҳамжамият томонидан ҳам кенг эътироф этилмоқда. Масалан, ўтган йилнинг октябрида мамла-

катимизга ташриф буюрган Халқаро валюта жамғармаси ижрочи директорларининг баёнотида Ўзбекистон ҳукумати жаҳон иқтисодий инқирози шароитида иқтисодий ўсишни таъминлаш учун зарур бўлган кўплаб ресурсларни жамлаган ҳолда, оқилона сиёсат олиб бургани, бундай пухта ўйланган сиёсат мамлакатнинг глобал иқтисодий инқироз таъсирига самарали қарши тура олишида муҳим омил бўлгани таъкидланган.

Қайд этиш жоиз, Осиё тараққиёт банки вакиллари ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ўзгаришларнинг юксак самараларини бири неча бор таъкидлаган. Улар буни Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли муносабатларни янада мустаҳкамлашнинг муҳим омилларидан бири сифатида эътироф этган. Яқинда мамлакатимизга ташриф буюрган ОТБ президенти Харухико Курода иқтисодийнинг барча жабҳаларида Ўзбекистон билан ҳамкорлик қўламини янада кенгайтириш ниятида эканини билдирди.

Ривожланиш, минтақавий ҳамкорлик лойиҳаларини молиялаш ва техник кўмаклашиш 67 давлат, шу жумладан, Осиё-Тинч океани минтақасининг 48 ва Европанинг саноати ривожланган 17 мамлакатига ҳамда АҚШ ва Канада аъзо бўлган ушбу халқаро молия институтининг асосий фаолият йўналишларидандир.

(Давоми 2-бетда.)


Спорт ёш авлодга соғ-саломат, бардам-бақувват, хурфиқр инсон бўлиб етишиш учун ёрдам беради



Мухаммад АМИН (ЎЗА) олган суратлар.

Спорт кишини руҳан тетик, курашчан, иродали, ватанпарвар қилиб тарбиялайди. Тартиб-интизомга, вақтни қадрлашга ўргатади, ёмон йўللardan, турли иллатlardan асрайди...

Мамлакатимизда спортга катта эътибор берилётгани боиси ҳам ана шу улуг мақсадлар билан боғлиқ. Яратилаётган шароитлар туфайли спорт билан шуғулланувчи ёшлар сафи тобора ошиб бормоқда, янгидан-янги мусобақалар ташкил этилмоқда.



Яқинда пойтахтимизда шотакан қара-тэ-до бўйича болалар, ўсмирлар ва ёшлар ўртасида бўлиб ўтган Ўзбекистон чемпионатида Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятлардан саккиз юз нафар спортчи қатнашди. Унда болалар ва ўсмирлар ўртасида кучлилар ўттиз тўққиз вази тоифасида аниқланди. Муросасиз кечган баҳсларда Муқим Қарамонов (Сурхондарё), Бехрўз Чориев, Абдулла Ортиқов, Абдулазиз Хўжакулов (Тошкент) сингари ўнлаб иқтидорли

ёшлар шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олишди.

Мусобақада кучлилар қаторидан ўрин олган йигит-қизлар шу йил давомида Туркия, Швейцарияда ўтказиладиган халқаро турнирлар, Кипрда бўладиган Европа очиқ чемпионати, Лас-Вегас (АҚШ)да ўтайдиган жаҳон чемпионати, Венесуэлада ташкил этиладиган жаҳон кубоги баҳсларида Ўзбекистон терма жамоаси шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Эркин ХОЛБОБО.

Халқ амалий ишмиизга қараб баҳо беради



> 2

Интеграциялашув жараёнини тезлатиш учун

> 3



Ҳаёт мактаби

> 4



Ёшлар тарбияси, баркамол авлод деганда, биз Ўзбекистоннинг буюк келажигини назарда тутамиз».

ЎЗХДП: таҳлил ва танқид

Хатолардан хулоса

чиқариш, йўл қўйилган камчиликларни такрорламаслик, Сайловолди дастуримизда белгиланган вазифаларни амалда бажариш навбатдаги сайловга энг яхши тайёргарликдир

2-бет >>>

1 САВОЛГА ЖАВОБ



Нигора Нуралиева,
ЎЗХДП Наманган вилоят
кенгаши раиси ўринбосари

Электоратни ташвишлантираётган муаммоларни ўрганиш ва уларни ижобий ҳал этишда БПТнинг ўрни қандай бўлиши керак?

Бир қарашда БПТ кичик ташкилотдай, жиддий ишларга қодир эмас-дек туолади. Аслида у партиянинг пойдевори, асосини ташкил этади. Бошланғич ташкилотлар етакчилари, аъзолари доимо одамлар орасида бўлади. Демак, жойлардаги муаммолар, электорат манфаатига дахлдор масалаларни улар бошқалардан кўра кўпроқ билишади. Шу боис, БПТ фаолиятини кучайтириш муҳим аҳамиятга эга. Улар ташаббус, таклифлар билан кўпроқ чиқишлари зарур.

Ўтган ойда бир маҳалла ҳудудидagi ЎЗХДП бошланғич ташкилотидан ариза тушди. Унда ёш оиланинг тақдир масаласи турарди. Турмуш ўртоғининг бевақт вафотидан сўнг аёл 2 ёшли ва 5 ойлик болалари билан ёлғиз қолибди. Фарзандларига нафақа пулини расмилаштириш, ишлаган фермер хўжалигида унинг номига меҳнат дафтарчаси юритиш борасида тушунмовчиликлар юзага келган.

Ана шу масала вилоят партия кенгаши ҳамда бошқа тегишли ташкилотлар томонидан ўрганилиб, ижобий ҳал этилди. Бу биргина мисол ҳолос. Демак, нафақат электоратни ташвишга солаётган муаммоларни билиш, ўрганиш, балки уларнинг ечимини топишда ҳам бошланғич ташкилотнинг ўрни беқиёс. Фақатгина бу куч имкониятидан самарали фойдалана олишимиз керак.

Инсониятнинг энг қадимий байрами

энди уни бутун дунё кенг нишонлайди


2010 йилнинг 19 февраль куни БМТ Бош Ассамблеяси 21 мартни «Халқаро Наврўз куни» сифатида нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилди.



Дунё бўйлаб

Лондон	8°C
Париж	7°C
Москва	-2°C
Мадрид	15°C
Пекин	3°C
Гонконг	29°C
Рим	14°C
Анкара	10°C
Токио	9°C
Стокгольм	1°C
Кейптаун	34°C
Қоҳира	26°C
Гавана	21°C
Вашингтон	4°C
Нью Йорк	5°C

27 март об-ҳавоси



Юртимизда

Тошкент	13°C
Самарқанд	13°C
Нукус	8°C
Қарши	15°C
Урганч	10°C
Навоий	10°C
Фарғона	12°C
Бухоро	10°C
Андижон	12°C
Наманган	12°C
Термиз	17°C
Жиззах	12°C
Сирдарё	12°C
Тошкент вил.	12°C

O'zbekiston havo yo'li



Хизматлар янгиликланган

ЎзХДП: таҳлил ва танқид

Хатолардан хулоса

чиқариш, йўл қўйилган камчиликларни такрорламаслик, Сайловолди дастуримизда белгиланган вазифаларни амалда бажариш навбатдаги сайловга энг яхши тайёргарликдир

Афсуски, Қорақалпоғистон Республикасидаги қўйи партия ташкилотлари сўнгги беш йил давомида бу ҳаётини ҳақиқатни ёддан чиқариб, ўз фаолиятини бўшаштириб юборганини кеч пайқади.

Мамлакатимиз Президентининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасини қайта-қайта ўқиш эканман, бунга яна бир бор иқдор бўлдим.

2004 йилда ўтган сайловларда Қорақалпоғистон Республикаси бўйича партия-миздан Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига бир нафар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига 34 нафар депутат сайланган эди. Жўқорғи Кенгесдаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари қонун лойиҳаларининг моҳияти, ҳаётимиздаги аҳамияти ва бошқа масалалар ҳақида жамоатчилик орасида тушунтириш ишларини олиб борди. Сессиялар орасида кўмиталар ва комиссиялар таркибида қонунларнинг ижросини назорат қилиш, жойларда йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш, фуқаролар мурожаатларини

ўрганиш, ижтимоий ва маданий-маиший муаммоларни ижобий ечиш борасида дадил фаолият кўрсатди.

Депутатлар Жамоатчилик қабулхоналари ишида ҳам қатнашди. Фуқароларнинг, айниқса, ижтимоий масалалар юзасидан қилган мурожаатлари асосида уларга ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан ёрдам кўрсатилди. Аммо фракция аъзолари томонидан Жўқорғи Кенгес сессиялари кун тартибига бирор-бир масала киритилмади. Ваҳоланки, Жўқорғи Кенгес даражасида ҳал этилиши зарур бўлган, электрорат манфаатлари билан бевосита боғлиқ масалалар мавжуд эди.

Шунинг оқибатида 2009 йил декабрь ойида бўлиб ўтган сайловлар натижасида Қорақалпоғистон бўйича партия-миздан Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига яна бор-йўғи бир нафар, Жўқорғи Кенгесга 27 нафар, яъни ўтган сайловдагидан етти нафар кам депутат сайланди.

Нима учун бу ҳолга тушиб қолдик? Нега мавқеимизни бериб қўйдик? Бу саволга жавобни узокдан излашнинг ҳолати йўқ. Партия кенгашлари, бошланғич партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳларининг ўтган йиллардаги фаолиятига таҳлилий назар ташлаш kifoya.

Шу йил бошида Жўқорғи Кенгесдаги Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг янги шаклланган депутатлик гуруҳига Қозоқбоғ Жонибеков раҳбар этиб сайланди. Унинг таъкидлашича, партия

ташкilotи мавқеини тиклаш, ишончни қайта қозониш осон кечмайди. Бу партия-мизнинг барча тузилмалари, депутатлик гуруҳидан жуда катта масъулият, ташаббускорлик, аниқ мақсадга йўналтирилган амалий ҳаракат талаб этади.

— Ҳар чоракда депутатларимиз ўз фаолияти, сайловчилари билан қандай ишларга эътибор қилиш, улар томонидан қўйилган масалаларни ҳал этиш учун қандай тақлифларга эътибор қилиш, иқтисодий ислохотларни, аҳоли фаровонлигини юксалтиришда олиб бораётган ишлари ҳақида гуруҳ йиғилишида ҳисоб бериш ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилдик, — дейди у. — Агар шу талаблар асосида иш олиб боради, депутатларнинг масъулиятини оширишга хизмат қилган бўламиз.

Ўтган сайловлар оқибатида бир ҳаётини ҳақиқатни яна бир бор исботлади. Яъни, қаерда партия ташкилоти, депутатлик гуруҳи фаол ҳаракат қилган, ташаббус кўрсатган бўлса, ўша ердаги курашларда партия-мизнинг кўли сезиларли даражада баланд келди. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари томонидан бажарилган ишлар, қозонилган ишонч ўз натижасини кўрсатди. Масалан, халқ депутатлари Беруний туман Кенгашининг 19 нафар депутати, Чимбой туман Кенгашининг 17 нафар депутати, Тахиташош шаҳрида 16 нафар, Эллиққалъа туманида 15 нафар, Кегейли тумани-

да 14 нафар, Нукус туманида 13 нафар депутат ЎзХДП номзодлари орасидан сайланди.

— Туман кенгаши сессиялари олдидан депутатлик гуруҳи кун тартибидеги масалаларни муҳокама қилиб, ўз нуқтаи назарини белгилаб олди, — дейди Ўзбекистон ХДП Мўйноқ туман кенгаши раиси Асан Ниётуллоев. — Электратимиз вакилларини ўйлантираётган ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга масалалар бўйича тақлифлар сессиялар кун тартибига киритилди. Жамоатчилик қабулхонасига мурожаат қилган фуқаролар қўётган муаммоларнинг ақсарияти ижобий ҳал қилинди. Дастлаб Давлат дастурига кирмай қолган Уч сой, Қозоқдарё овулларидаги мактаблар депутатларимиз сый-ҳаракатлари билан дастурга киритилиб капитал ва жорий таъмирдан чиқарилди. Медали ҳамда Бозатау овул фуқаролар йиғинлари худудларида ашаётган аҳолининг тоза ичимлик суви таъминоти яхшиланди.

Мана, шундай жонқурлик натижасида, ўтган сайловларда 19 та сайлов округидан туман Кенгаши депутатлигига 10 нафар депутат партия-миз номзодлари орасидан сайланди. Депутатларимиз бугун қилаётган амалий ишлар навбатдаги сайлов натижаларига ўз таъсирини кўрсатади албатта.

— Шаҳару қишлоқларимиз янада гуллаб-яшнаши, ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, маданий-маърифий ривожланиши учун ҳар бир депу-

тат масъул бўлиши керак, — дейди Нукус шаҳар Кенгашига биринчи марта депутат бўлиб сайланган Мақсуд Абдуллаев. — Бундан ташқари, партия-миз электрорати манфаатларини таъминлаш учун курашиш, маҳаллий Кенгашларда муҳим масалаларни муҳокама қилишга эришиш, оддий қилиб айтганда, ишлаш керак. Бўлмаса, сайловчилар эътиборидан қоламиз, ишончини йўқотамиз...

Кўппартиявийлик — бу турли қараш ва гоялар ўртасидаги баҳс-мунозаралар, сиёсий рақобатдир. Бундай шaroитда айрим туман партия ташкилотлари рақобатга бардош бера олмадилар. Масалан, Қўнғирот туманида 2 нафар, Тахтақўйи туманида 4 нафар, Амурдариё, Хўжайли туманларида 7 нафардан, Шуманай, Қонлиқўл туманларида 9 нафардан депутат партия-миздан маҳаллий Кенгашларга сайланди. Бундай ҳолатни туман партия ташкилоти етакчилари, фаоллари қандай изоҳлашади? Аслида, бу сайловчилар томонидан уларнинг фаолиятига берилган баҳо эмасми?

Бугун замон шиддат билан ўзгариб, янгиланиб бормоқда. Бундай шарoитда ўзгаришлар, боқибегамлик мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Бу қандай оқибатларга олиб келишини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Жўқорғи Кенгес, халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашларидаги партия-миз депутатлик гуруҳининг ҳар бир аъзоси ўз фаолиятини аниқ мақсадга йўналтирилган асосда ташкил этмаса, кейинги сайловлар биз учун бундан-да оғир бўлиши, ҳозир эгаллаган ўринларимизни ҳам бой бериб қўйишимиз тайин. Бу фикрлар партия-мизнинг ҳар бир етакчиси, депутати, фаолини сергак торттиради, деган умиддамиз.

Рейимбой ЭШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Ўзбекистон – ОТБ: Ҳамкорлик изчил ривожланмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мамлакатимиз 1995 йилдан ОТБнинг тенг ҳуқуқли аъзосидир. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг маълумотларига қўра, ўтган даврда Ўзбекистонга ажратилган кредитлар ҳажми 1,3 миллиард АҚШ доллари, хусусан, техник кўмаклашув доирасида ажратилган кредитлар ҳажми 60 миллион доллардан ошган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган Осийё тараққиёт банки билан ҳамкорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига мувофиқ ушбу молия институти билан кўплаб йўналишлар бўйича ўзаро манфаатли ҳамкорлик амалга оширилмоқда. Бу борада транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш, энергетика, қишлоқ ҳўжалиги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, сув ресурсларини бошқариш, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа соҳаларда стратегик хусусиятга эга қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

2006 йилнинг мартида ОТБ томонидан Ўзбекистон билан ҳамкорликнинг 2010 йилгача мўлжалланган навбатдаги стратегия ва дастури тасдиқланди. Унга қўра, мамлакатимиз учун устувор иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда 16 янги лойиҳа ишлаб чиқилиб, амалга оширилиши бошланди. ОТБ билан муносабатларимизни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш учун шaroит яратилган ва уларни узок муддатли асосда ривожлантириш имконини берадиган мультитраншли молиялаш ҳамкорлигининг янги шакллари янги йилдан бери амалга оширилмоқда.

Мисол учун, ОТБ томонидан энг йирик лойиҳалардан бири — қиймати 300 миллион долларлик «Сув таъ-

миноти ва канализация соҳасида мультитраншли молиялаш дастури» лойиҳаси маъқулланди. Утган йилнинг охирида ОТБнинг транспорт ва транспорт коммуникацияси соҳасида молиявий ёрдам кўрсатиш дастури тайёрлаш ва шарҳлаш бўйича миссияси Ўзбекистонга ташриф буюрди. Ўзбекистон миллий автомагистрالى трассасининг участкаларини қуриш учун маблағ ажратиш кўзда тутилмоқда.

Мамлакатимизда ОТБ иштирокида амалга оширилаётган лойиҳалар ўзаро ҳамкорлик изчил кенгайиб бораётганидан далолат беради. Масалан, илгари Марказий Осийё минтақаси транспорт йўналигининг бир қисми ҳисобланган ушбу автомагистрални ривожлантириш учун 75 миллион доллардан ортиқ маблағ ажратилган эди.

Ўзбекистонлик мутахассислар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ушбу лойиҳалар мамлакатимизда иқтисодий ва ижтимоий ҳаётни янги даражага кўтариш учун халқаро нормаларга тўлиқ жавоб берадиган ҳуқуқий базанинг яратилгани, шунингдек, қулай инвестиция муҳитининг шакллантирилгани тўғрисида саволга асосланган ҳисобот беради.

Айни пайтда Тошкентда Осийё тараққиёт банкининг олий органи ҳисобланган Бошқарувчилар кенгаши йиллик мажлисини ўтказиш бўйича улкан ишлар амалга оширилмоқда. Осийё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгаши 43-йиллик мажлисининг пойтахтимизда ўтказилиши, шубҳасиз, Ўзбекистон билан ушбу йирик халқаро молия институти ўртасида ўзаро манфаатли муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Анна ИВАНОВА,
ЎзА шарҳловчиси.

Ўз мухбирларимиз хабар қилади

Китоб тумани замини остида тенгсиз хазина — тоза ичимлик суви дарёси мавжуд. Айни пайтда бу сув воҳанинг Қарши шаҳри, Муборак ва бошқа туманларига узатилмоқда.

Қишлоқларга зилол сув

Бирок туманда ширкатлар ўрнида фермер ҳўжаликлари ташкил топган, илгари ишлаб турган артезиан қудуқларининг анчасидан фойдаланиб бўлмади. Ҳозирги кунда туманда Қорабулоқ, Кўсам, Айрончи, Олакўйлик, Ҳожи, Қавчин сингари 10 та қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш лойиҳаси амалга оширилиши бошланди. Бунинг учун янги артезиан қудуқлари қазилиб, йил охиригача 76 километр узунликдаги сув қувурлари қишлоқларга тортиб борилади. Бу ишлар учун 2 миллиард 650 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфлаш кўзда тутилган.

Юнус УЗОКОВ

Зукколик галаба қилди

Мактабларда ўтказиладиган фан олимпиадалари ўқувчиларнинг олган билимларини мустаҳкамлайди. Урганч шаҳридаги 17-мактаба математика-информатика олимпиадасида «Ўйла, изла, топ!» викторинаси ташкил этилди.

Унда мактабнинг 8-«А» ва «Б» синфлари ўз жамоаларига буюк боболаримиз Хоразмий ва Беруний номларини олган ҳолда бахslashлашди. Чунки айнан шу боболаримиз математика фани ривожига тамал тоштини қўйганлар. Ҳар икки жамоа зуққолар баҳсидан тенг очко тўплади, яъни билимдонлик галаба қилди. Муҳими, қизиқарили утган бу баҳсини томоша қилган бошқа ўқувчиларнинг математика борасидаги билимлари янада кенгайди. Баҳсда фаол қатнашган ўқувчиларга ЎзХДП Урганч шаҳар кенгаши томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Рўзимбой ҲАСАН

«Mimatastekstil» маҳсулотлари кўпларга манзур

Модернизация тадбирлари ва замонавий технологиялардан оқилона фойдаланиш Жалақудуқ тумани, Ойим қишлоғидаги «Mimatastekstil» корхонасида яхши самара бермоқда. 655 кишилик жамоанинг эришган натижалари бунинг тасдиғидир.



Бўйаш цехининг ишга туширилиши унга янги иш ўрни барпо этиш имконини берди. 2009 йилда фирма доконлари орқали ички бозорда 25 миллион сўмлик трикотаж маҳсулотлари сотилди. Умумий даромад ўтган йил якунида 8 миллиард 347 миллион 561 миң сўмга тўғри келди. Соф даромад ошди. Корхона ўтган йили 1355,6 тонна калава ип, 137,2 тонна трикотаж мато, 508,3 миң дона тайёр трикотаж кийимларини хорижга экспорт қилди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ

Депутатлик масъулияти



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, маҳаллий Кенгашларга депутатлар сайланиб, партия-мизнинг депутатлик гуруҳлари янги таркибда иш бошлаганига ҳам уч ой бўлапти. Ҳўш, жойларда партия-миз депутатлик гуруҳлари ишни қандай ташкил этапти? Биз бу ҳақда халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари, Олтиариқ нефть ва газ саноати коллежи директори Азимжон Исломов билан суҳбатлашдик.

Халқ амалий ишимизга қараб баҳо беради

— Президентимиз Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида депутатлар ўзи вакил бўлган сиёсий партия электроратини ўйлантираётган социал-иқтисодий муаммоларни чуқурроқ ўрганиши ва уни ҳал этиш чораларини кўришга асосий эътиборини қаратиши лозимлигини айтган эди. Депутатлик гуруҳимиз ана шу қўшма мажлисда илгари сурилган устувор вазифалар асосида ўз фаолият йўналишини белгилади. Биз аввалги қақирқда фаолият кўрсатган депутатлик гуруҳининг ютуқлари билан бирга камчиликларини ҳам ўрганиб чиқдик. Очигини тан олиш керак, аввалги қақирқда депутатлик гуруҳимиз катта салоҳиятга эга бўлгани ҳолда унинг ташаббуси билан сессиялар кун тартибига бирор-бир масала киритилмаган. Ҳўртбошимиз таъкидлаганидек, умумий гаплардан амалий ишга ўтиш, вилоят Кенгаши сессияси муҳокама қилаётган масалалар юзасидан электрорат манфаатларини ифодаловчи муқобил, лойиҳа ва дастурлар билан чиқишимиз, ўз тақлифларимизни асослаб, қабул қилинишига эришишимиз зарур.

— **Халқ ишончини қозониб, депутат бўлиб сайланишнинг ўзи шунинг қатъий талаб этмайдики?**

— Ишончни фақат амалий ишлар, ташаббусларни амалга ошириш билан оқлаш ва мустаҳкамлаш мумкин. Менга, депутатлик гуруҳининг бошқа аъзоларига бўлган сайловчи ишончини, аввало, Ўзбекистон Халқ демократик партиясига, унинг Дастури ва фаолиятига, келгуси режаларига бўлган ишонч деб қабул қиламан. Демак, биз, депутатлар, аввало, партия гояларининг ҳаётга тўлиқ жорий этилиши учун курашишимиз лозим. Бунда аввало жой-

лардаги бошланғич партия ташкилотлари ишини жонлантиришимиз, ҳар бир партиядошимизни эзгу мақсадимиз сари сафарбар эта олишимиз, улар билан алоқани мустаҳкамлашимиз зарур. Илдизи мустаҳкам дарахтинга бақувват бўлади. Афсуски, бу борада камчиликларимиз оз эмас. Партия аъзолари у ёки бу масалани бошланғич партия ташкилоти номидан кўтариб чиқиши, унинг ечимига етишда ташаббус кўрсатиши ҳар доим ҳам учрайвермайди. Бу борада партия-нинг ҳатто туман кенгашлари изчиллик, намуна кўрсатмоқдалар, дейиш ҳам қийин. Менимча, партия-нинг жойлардаги кенгашлари обрўсини тиклаш ҳар бир партия аъзоси, ҳар бир бошланғич ташкилотнинг ижтимоий фаоллигини оширишдан бошланмоғи лозим. Депутатлик гуруҳлари ўз ҳолича, партия ташкилотлари ўз йўлида фаолият кўрсатса, ҳеч қачон мақсадга эриша олмаимиз. Шунинг учун депутатлик гуруҳлари партия ташкилотларига суяниши, ўртада мустаҳкам алоқа, ҳамкорлик бўлиши зарур, деб ўйлайман.

— **Депутатлик гуруҳининг иш режаси ҳақида ҳам тўхталсангиз.**

— Биз ЎзХДП вилоят кенгаши билан маслаҳатлашиб иш режаси тўздик. Бунда албатта Президентимиз парламент палаталари қўшма мажлиси, ҳукумат йиғилишида илгари сурган устувор вазифалар, партия-мизнинг Сайловолди дастурига асосланганмиз. Марказий Кенгаш II пленумида қабул қилинган Ҳаракат дастуридан келиб чиқиб уни янада бойитдик, кўшимчалар, тузатишлар киритдик. Аммо депутатлик гуруҳимизнинг барча аъзолари вилоят Кенгашига биринчи бор сайланишган, ҳали тажрибамиз йўқ. Шунинг

учун камчиликлар бўлиши табиий. Депутатларимиз учун мунтазам ўқувлар уюштирсак, уларнинг сиёсий, профессионал тажрибасини ошириб боради, ишимиз самардорлиги ошган бўларди.

Депутатларнинг сайловчилар билан учрашувларига алоҳида эътибор қаратаймиз. Яъни ҳар бир учрашув аниқ бир мавзуга бағишлансин. Жойларда муайян ижтимоий масаланинг аҳоли ўрганилиб, унинг ечимига дахлдор вилоят идораларининг раҳбарлари, мутахассисларининг ҳам мазкур учрашувларда қатнашишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Токи учрашув фақат савол-жавобдан иборат эмас, амалий натижага эга бўлсин. Иккинчидан, партия дастурий йўналишларидаги масалалар мониторинги якуни бўйича халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясига доимий ахборот бериш, зарур ҳолатларда сессия муҳокамасига масалалар киритиш, учинчидан, Қонунлар, Президент фармонлари ижроси юзасидан жамоатчилик, маҳаллий вакиллик органи назоратини кучайтириш, депутатлик сўрови институтидан самарали фойдаланиш, халқ депутатлари шаҳар, туман Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларига амалий ёрдам бериш, улар билан ҳамкорликда ишлаш каби йўналишлар депутатлик гуруҳи иш режасининг асосини ташкил этади.

Яна бир гап. Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашида ЎзХДП депутатлик гуруҳи кўпчилигини ташкил этмайди. Лекин шунинг ҳам унутмайлик, халқ партияга, унинг широрлари, ваъдаларига қараб эмас, амалий ишларига қараб баҳо беради.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Мухаммаджон ОБИДОВ
суҳбатлашди.

Инсониятнинг энг қадимий байрами

энди уни бутун дунё кенг нишонлайди

Бир неча минг йиллик тарихга эга бўлган Наврўз 2009 йил 30 сентябрь кунин ЮНЕСКО томонидан инсониятнинг номоддий маданий мероси рўйхатига киритилди. Президентимиз Алшар Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий богиди бўлиб ўтган тантанали маросимда: «Наврўзи оламнинг умуминсоний цивилизацияси ривожига қўшган буюк ҳиссасини инобатга олиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шу йилдан бошлаб бу айёмни Халқаро Наврўз кунин деб тан олгани албатта бежиз эмас ва барчамизга катта гурур ва ифтихор бағишлайди», деб алоҳида таъкидлади.

Маълумки, Наврўз Шарқ халқларининг баҳор байрами сифатида минг йиллар мобайнида инсонийлик,

мехр-мурувват, меҳнатсеварлик, табиати эъзозлаш каби қадриятларни намойиш этган ҳолда нишонланади. Бу байрам эндиликда халқаро ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим ўрин тутти. Президентимиз Алшар Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий богиди бўлиб ўтган тантанали маросимда: «Наврўзи оламнинг умуминсоний цивилизацияси ривожига қўшган буюк ҳиссасини инобатга олиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шу йилдан бошлаб бу айёмни Халқаро Наврўз кунин деб тан олгани албатта бежиз эмас ва барчамизга катта гурур ва ифтихор бағишлайди», деб алоҳида таъкидлади.

Наврўзнинг қачон ва қандай пайдо бўлганини аниқ кўрсатиш қийин. Шундай бўлса-да, ишон билан айтиш мумкинки, бу байрам доно кишилар томонидан кашф

қилинган. Чунки Наврўз кунин ва табиат қонунлари, яъни қўшнинг ҳамал буржи кириши, кеча ва кундузнинг тенглашиши, табиатда уйғониш юз бериши, баҳорнинг келиши билан боғлиқ тарзда белгиланган. Бу эса ҳар қандай жамиятда йил боши — Наврўзни янги давр бошланиши сифатида нишонлаш учун асос бўлган.

Наврўз шамсий янги йилнинг бошланишидир. Буни байрам қилиб келган ҳар бир халқда ўзига хос анъаналар мавжуд. Эронда Наврўз кунин дастурхонлар «хафт син», яъни «с» ҳарфидан бошланган етти хил ноз-неъмат билан безатилади. Озарбойжонликлар сувни поклик ва тозаллик рамзи сифатида кўришади. Шунинг учун ҳам Наврўзнинг биринчи кунин одамлар дарё ёки булоқ бўйига бориб бир-бирига сув сепади. Шу тариқа улар янги йилда бир-бирига бахт-саодат тилайди. Шундан сўнг бир-бирларини ширинликлар билан меҳмон қилишади. Наврўз кунин албатта ширинлик истеъмол қилиш уларнинг азалий одати ҳисобланади.

Заминга баҳор сепини ёйиши билан барча юрларда байрамга ҳозирлик бошланади. Чунки дунё халқларининг ҳар бирида қўлдам ва янги йилга бағишланган анъана-ю, расм-рўсуллар



бор. Уларнинг барчаси ўзига хос. Жумладан, Хитойда янги йил айёми январь ойи охири, февраль ойи бошларига тўғри келади. Янги йилни нишонлаш уй тозалашдан, эскирган буюмларни чиқариб ташлашдан бошланади. Бу қадимий юрда янги йил тантаналари «Chun jie» — баҳор байрамга уланиб кетади. Эрамиздан аввалги иккинчи асрдан бери нишонлаб келинаётган «Chun jie» байрамнинг мазмун-моҳияти, яъни хонадонларда меҳмон қутуш, меҳмонга бориш, қарияларни зиёрат қилиш, болаларни хурсанд қилиш, деҳқончилик ишларига киришиш одатлари худди бизнинг Наврўз удувларига ўхшайди.

Тинч океанидаги бир қатор ороллардан иборат Фижи митти мамлакатига қишдан анвойи гуллар тутган ва баҳар кийинган ёш қари билан тўлиб-тошади. Уларнинг бир-бирига гул тақдим этиб, қутлаши баҳор рамзидир. Руминия ва Молдова мамлакатларида баҳорнинг илк кунинда «Мэршиор» тантанаси бўлиб ўтади. Шу кунин одамлар бир-бирларига оқ ва қизил дастурмоқлар тақдим этади. Дастурмоқ олган кишилар уни бир ой авайлаб, биринчи апрелда даракхатга илб қўядилар. Бу баҳор даракхатидир. Баҳорнинг асосий тадбирлари шундан сўнг бошланади. Скандинавия халқлари баҳорни май ойида қутиб олади. Тарихий анъанага кўра, денгизчи ва уй бекаси кўринишидаги бир гуруҳ йигит-қиз денгиз ёки ўрмон четига катта гулхан ёқиб, унинг атрофида шўх рақсга тушиб, баҳорни қутиб олади. Шундан сўнг қўлдам тадбирлари авж олади. Дунёда баҳор байрамлари кўп. Лекин Наврўз ягона. У энг қадимий, нафақат Шарқ, балки бутун дунё халқлари бирдек севиб нишонласа арзийдиган байрам. Чунки, Наврўз анъаналари умуминсоний қадриятлар, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, саховат туйғулари билан ҳамма ҳам Шунинг учун ҳам БМТ Бош Ассамблеяси Наврўз айёми халқаро майдонда кенг нишонлаш ташаббуси билан чиққан бўлса не ажаб!

Шарофиддин Тўлаганов

Хорижда

Туркия ҳукумати мамлакат Конституциясига киритиладиган ўзгаришлар ва қўшимчалар йиғимасини қўриб чиқиш учун муҳолифат ихтиёрига тақдим этди.

Интеграциялашув

жараёнини тезлатиш учун

Асосий қонунга киритилажак ўзгаришлардан қўзланган асосий мақсад Туркиянинг Европа Иттифоқига интеграциялашув жараёнини тезлатишдир, дейилади «АФР» АА ахборотида.

1980 йилги харбий давлат тўнтаришидан сўнг қабул қилинган ушбу асосий қонуннинг 20 та моддасига бош вазир Режеп Тайип Эрдоган бошчилигида ўзгаришлар тақлиф қилинмоқда. Бу ўзгаришлар асосан суд тизимига ҳамда парламент ваколатларига тааллуқлидир. Бундан ташқари, инсон ҳуқуқлари ҳимояси ҳам кенг миқёсда назарда тутилган.

Айни дамда ҳуқмрон Адолат ва тараққиёт партияси парламентда кўп ўринга эга бўлса-да, аммо Конституцияга ўзгаришлар киритиш масаласида етарли овозга эга эмас. Шунинг учун ҳам муҳолифат билан бу борада келишишга мажбур. Агар муҳолифат ўзгаришларга қарши овоз берса, бу масала умумхалқ референдумида кўриб чиқилади.

Маълумки, Туркия Европа Иттифоқига аъзо бўлиш учун 2005 йили музокара бошланган. Аммо бунга Европанинг кўпчилиги сиёсатдонлари қарши чиқмоқда. Жумладан, 2009 йил май ойида Франция президенти Николя Саркози ва Германия канцлери Ангела Меркел Европа Иттифоқининг Туркия ҳисобига кенгайтириши қўллаб-қувватламади.

Маълумки, ўтган йили декабрда Шимолий Кореяда пул изоҳоти ўтказилган ва бир ҳафта ичида пул қиймати ўзгарилиб, «эски» 100 вонга «янги» 1 вон алмаштирилган эди. Шу билан бирга Корея Халқ Демократик Республикаси Халқ хавфсизлиги вазирлиги томонидан хорижий валютада олди-берди қилиш тақиқланган.

Хорижий валюта муомаласи учун

энг оғир жазо қўлланилиши мумкин

ИТАР-ТАСС хабар қилишича, кимки бу тақиқловчи бузса, энг оғир жазо — ўлимга маҳкум этилганча бўлган жазо тури қўлланилиши мумкин экан. Жорий йилнинг бошидан эътиборан Шимолий Кореяда барча пул ўтказмалари ва нақд пул савдоси фақат мамлакатнинг миллий пул бирлиги — вонда амалга оширилмоқда.



Полиция полиция маҳкамаси мамлакат тарихида ҳали қайд этилмаган энг йирик наша экзинзорини аниқлаб, йўқ қилди.

Гиёҳванд модда

етиштириш учун махсус қурилган экан



«Новости» АА хабар беришича, Познань шаҳри атрофида катта бино томорқасида, яъни минг квадрат метр майдонда 10 минг тупдан ортиқ наша ўсимлиги етиштирилган экан. Шу билан бирга у ердан 150 кг. қуритилган наша, 40 кг. дан ортиқ соғувга тайёрлаб, қутиларга жойланган марихуана ҳам топилган. 9 киши ўша ернинг ўзига полиция томонидан қўлга олинган. Қўлга олиш жараёнида иштирок этган Молопольск воёвондаси ҳодими Анжей Боровякнинг айтишича, мазукур наша етиштириш учун махсус қурилган бўлиб, бино тубидан қуюқ ўрмонга олиб чиқувчи ер ости йўли қурилган. Ўрмонга чиқиш йўлига эса сезилмайдиган даражада никобланган. Бино атрофлари видеокузатув анжомлари орқали диққат билан кузатиб турилган. Ушбу бинонинг унинг соҳиби Януш П. кийимларни киймий йил билан тозалаш («химчистка») объекти сифатида расмий рўйхатдан ўтказган.

Танлов

Давлат солиқ қўмитаси ташаббуси билан Халқ таълими вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамкорликда Тошкент шаҳри мактаб, лицей-колледж ўқувчилари ўртасида «Солиқ билимлари — болаларга» кўрик-танловини ўтказди.

Солиқ билимдонлари

Танловнинг биринчи босқичи Тошкент шаҳар солиқ коллежиде ўтказилди. Тошкент шаҳар академик лицейи ва касб-ҳунар коллежларининг «Ўзбекистон Республикасида солиқ сиёсати» мавзусидаги энг яхши ишчи, «Солиқлар нимага тўланади ва нималарга сарфланади» мавзусидаги компьютер тақдими тои йўналиши бўйича голиблар аниқланди. Ушбу танловда энг яхши ишчи номинацияси бўйича Солиқ коллежи ўқувчиси Жаҳонгир Раҳматуллаев, компьютер тақдими номинацияси бўйича Бахтиёр Мухаммедов голиб деб топилди. Мактаб ўқувчилари ўртасидаги танловнинг Тошкент шаҳар миқёсидаги иккинчи босқичи Бектемир туманидаги 289-мактабда ўтказилди. Унда мактаб ўқувчилари томонидан тайёрланган кўргазмалар чиқарилди, солиқ мавзусидаги расм ва ҳисоблар ҳайбат аъзолари томонидан юқори баҳолади. Танлов голиблари Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармасининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Равшан ШОДИЕВ

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ 12-СОН ҚУРИЛАЁТГАН КОРХОНАЛАР БИРЛАШГАН ДИРЕКЦИЯСИ

2010 йилда қурилиши режалаштирилган қуйидаги объектни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шarti билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва манзили	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз	Қурилиш муддати
1	Иштихон тумани, «Азамат» хўжалигида «Оқ-Тепа» канали қурилиши	644 926 326 сўм	537 438 605 сўм	8 ой

Қурилиш ишлари Давлат бюджети маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: 12-сон қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси.

Манзили: Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 62-уй,

телефон: (8366) 234-37-13.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридеги айланма маблағнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматларни) бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объекта ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала

ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим. Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатлари га мубофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов тақлифлари қатнашчиларининг танлов тақлифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: **Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона.** Тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 70 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчиси га тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш кунини ва соатига.

Тақлифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: **Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида соат 10.00** да ўтказилади.

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2010 йилда қурилиши режалаштирилган қуйидаги объектни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шarti билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва манзили	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз	Қурилиш муддати
1	Пастдаргом тумани, Жума шаҳридаги стадионни реконструкция қилиш, қўшимча спортзал қурилиши билан	606 172 509 сўм	505 143 758 сўм	6 ой

Қурилиш ишлари Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.
Буюртмачи: Самарқанд вилояти ҳокимлиги инжиниринг компанияси.
Манзили: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, 1-уй, телефон: (8366) 235-82-86.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридеги айланма маблағнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматларни) бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган

объекта ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатлари га мубофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов тақлифлари қатнашчиларининг танлов тақлифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: **Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона.** Тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 70 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчиси га тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш кунини ва соатига.

Тақлифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: **Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида соат 10.00** да ўтказилади.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси

UZBEKISTAN always

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда аккредитация қилинган сертификатловчи компаниялар ўртасида ISO 9001:2008 халқаро стандартга жавоб берадиган, МАК бўлиналарида жорий қилинган сифатни бошқариш тизимини сертифицилаш учун танлов эълон қилади.

Танловда транспорт корхоналарини ISO 9001 мубофиқликка сертифицилаш бўйича катта ижобий иш тажрибасига эга сертифициловчи компаниялар иштирок этишлари мумкин.

Танловга аризалар қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: Ўзбекистон, ГСП 100080, Тошкент шаҳри, Амир Темури шўх кўчаси, 41, МАК Парвозлар хавфсизлиги назорлиги Бош инспектори, Телефон: (998-71) 140-46-30, Факс: (998-71) 120-47-20, E-mail: faq@uzairways.com, akmial.akbarov@uzairways.com, Танловга аризаларни қабул қилиш — 2010 йил 9 апрель соат 17.00 гача

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси Ҳайъати партиянинг Чирчиқ шаҳар Кенгаши раиси Д. Азиз-хўжаевга онаси

Хуррият МУҲАМЕДОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

«Устандарт» агентлиги жамоаси Тошкент давлат техника университетини метрология, стандартиштириш ва сертифицилаштириш кафедраси муддир, техника фанлари номзоди, доцент

Абдураҳим АбЗАМОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг она аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардик изхор этади.

«Устандарт» агентлиги жамоаси стандартлаштириш бўлими бошлиғи Валишер Эргашевга волидан муҳтарамаси

Нортош ва **ЭРГАШЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардик изхор этади.

ВАТАНГА ХИЗМАТ — ОЛИЙ САОДАТ!

Ҳаёт мактаби

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури барча соҳаларда бўлгани каби Куролли кучларнинг қўмондонлик ва бошиқлари таркиби зиммасига ёш офицерлар, сержантлар ҳамда аскарлар ўртасида тарбиявий ишлар тизимини янада такомиллаштириш бўйича масъулиятли вазибаларни қўймоқда. Энди Президентимиз таъбири билан айтганда, Армия амалда ёшларни маънавий, жисмоний жиҳатдан баркамол инсон ва етук фуқаро сифатида вояга етказадиган ҳаёт мактабига айланмоқда.

Бу қўшна заминда Ўзбекистонимиз барқарор экан, унинг мустақиллигига, миллий қадриятларига таҳдид соладиган, беҳисоб бойликларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга қаратилган ҳаракатлар доимий хавф сифатида сақланиб қолаверади. Шундай экан тинчлигимиз, оқибатимиз, оқибатимизнинг турпоғи зар, унда қиммий элементлар системасида ўрсатилган барча элементлар мавжуд. Бу кутлуг дийрда дунё тамаддунига улкан хисса қўшган Хоразмий, Фароғий, Беруний, Ибн Сино, Улугбек каби буюк алломаларимиз вояга етишган. Спитамендек, Жаллолдин Манғубердикдек, Амир Темурдек жасур саркардаларимиз юртимизнинг азиз тупроғини ёвлардан химоя қилишган. Сохибқирон

кишиларгина собит тура олади. Бундай фазилатлар кишида маънавий-ахлоқий тарбиялар воситасида шаклланади, камол топади. Мамлакатимизнинг барча соҳаларида, хусусан, Куролли кучларимизда кечаётган ислохотлар армиямиздаги маънавий муҳитнинг бутунлай янгилашганини тасмийлаштиради. Айтиш мумкин, янада бўлган армиямизда «Баркамол авлод йили» Давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда маънавий-ахлоқий тарбияни янада кучайтиришимиз керак. Токи бу ҳаёт мактабини ўтаган, ўтаётган ҳар бир офицер, сержант ва аскар овоз Ватанимизнинг содиқ ҳимоячиси бўлсин, юртимизда баркамол авлоднинг тарбиялашдек энг эзгу ишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиш.

Собиржон АШРАПОВ, Тошкент ҳарбий округи ҳарбий прокуратураси катта терговчиси, адлия катта лейтенанти.



Баркамол авлод қўшиғи

Шайламанан созим олиб қўлга ман, Карвон билан чиқай катта йўлга ман. Бир муносиб фарзанд бўлай элга ман, Қўшиқ айтсанг оташи ноланг мен Ватан!
Буюк тоғлар аждодларим соясига, Менман ўшал тоғнинг бургут боласига. Қулоғида Войчиборинг ноласига, Алломшига авлод боланг мен Ватан!

Бир ниҳолман чинорингга айланай, Ҳазон билмас баҳорингга айланай. Номус оринг, туморингга айланай, Келажаги буюк қалъанг мен Ватан!
Ўзбекистон дунёга шон бўларсан, Қўёшларга яқин осмон бўларсан. Шон-шавкати тилда дoston бўларсан, Баркамол авлодинг, эртанг мен Ватан! Шамсиддин САДОИЙ

СПОРТ СПОРТ



Қарши Олимпия захиралари спорт колледжиди дзюдо бўйича 1991-92 йилларда туғилганлар ўртасида Ўзбекистон биринчилиги бўлиб ўтди.

Уч юз полвоннинг сараси

Унда мамлакатимизнинг барча вилоятлари ва Тошкент шаҳридан ташриф буюрган уч юз нафардан зиёд полвон етти вазн тоифасида голиблик учун гиламга чиқишди. Уч кун давом этган бешлашуларда ўз вазн тоифасида Зафар Ризаев (55 кг., Чирчиқ), Муҳиддин Абдурашидов (60 кг., Самарқанд), Муҳаммадсаид Қайумов (66 кг., Чирчиқ), Отамурод Бойкелдиев (73 кг., Самарқанд), Даврон Сатторов (81 кг., Чирчиқ), Муҳриддин Бўтаев (90 кг., Қарши), Жўрабек Акбаров (+90 кг., Чирчиқ)ларга тенг келадигани топилмади.

Тошкент вилояти Юқоричирчиқ тумани 2-ўрта мактаб томонидан 2008 йилда Хамрақуллов Рустам Намазбай ўғли номига берилган О'РSHN 0920037 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.


Мулоҳаза учун мавзу

Омонлик учун «оламиз»

ёки ўз хоҳишимиз билан бебахо соғлиғимизни қурбон қилаётганимиз ҳақида

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, нега биз тўй-ҳашам, байрам дастурхонида қадах сўзи айтганимиз? Қадах сўзи нима ўзи? Яхши тилаклар, бир-биримизга айтадиган дил изҳори, орзу-умидлар учун «ичиш» шартми?

шундаки, ичкилик инсон организмга тананинг ҳар бир аъзосига, ички органларга салбий таъсир кўрсатади. Маълум вақтгача оғриқ қолдириши, оғриқни оз муддат унуттишга хизмат қилиши мумкин, аммо унинг салбий оқибатлари кейин сезила бошлайди.



Яқинда бир танишимнинг отаси вафот этди. У вақтида меъвёридан ортиқ, спиртли ичимлик истеъмол қилган, оқибатда жигар хасталигига чалинган. Врачлар унга ҳар қандай спиртли ичимликни мутлақо тақиқлашган. Аммо 50 йиллик юбилейида ошна-оғайнилари қистови билан ичишга мажбур бўлибди. Аслида, арокнинг бир томчиси ҳам унинг соғлиғи учун хатарли эди. Ҳамма буни билади. Лекин ҳа-толикка йўл қўйилди. Оқибатда у ҳаётдан кўз юмди...

Кўрган-билган кишиларнинг айтишича, ўтган асрнинг олтинчи йилларида ароққа кенг йўл очилган. Шундан буён тўю томошалар усиз ўтмайди. Айрим хотин-қизларнинг тўй-ларда ичиши ҳам ўша даврда бошланган. Тўғриси, маст-аласт одамни кўрган кишининг таъби хира бўлади. Баъзан кафе, ресторан олдида эркаклар қолиб, ширакайф қиз-жувонларни кўриб қоламиз. Бундай жойларга ҳозир шунчаки кўнгулхушлик ёки «гап» ўтказиш учун хотин-қизлар тез-тез йиғилиб туради. Ачинарлики, улар олдидаги ноз-неъматлар орасида, албатта, шираларнинг «оқ» ёки «қизил»и савлат тўкиб туради. Авваллари кўздан яширин жойларда, беркитилиб ичиладиган бу «жон роҳати» бугун жамоат жойларида, ошқора тарзда истеъмол қилинмоқда. Гўё «кўриб қўйинг, биз қандай замонавий кишилармиз», дегандек. Дарҳақиқат, ичкилик кейинги пайтда давраларда «оммавий маданият»нинг бир кўриниши сифатида қабул қилинаётганга ўхшайди. Бундай «замонавийлик» ҳатто кишлоқ жойларда, кишлоқ аёллари орасида ҳам пайдо бўлаётганига нима дейсиз?

Ичкилик кишини аста-секин ўз домига тортиб бораверади. Унга мутлақо бўлиш ё бўлма-лиги аввало кишининг иродасига боғлиқ. Баъзилар ҳаётда бир-бир кийинчиликка учраса, уни енгишга иродаси етмай, барча ташвишларни унутиш учун ичкилик ича бошлайди. Кейинчалик бу одатга, яъни калсалликка айланади. Шу ўринда ичкиликнинг насл давомчилари бўлган аёлларга зарари ҳақида айтиб ўтиш керак. У хотин-қизларимиз соғлиғига жиддий таъсир этади, жинсий органларнинг меъвёрий фаолиятини ишдан чиқаради. Сурункали ичувчи хотин-қизлар соғлом турмуш тарзига эга бўлган аёлларга нисбатан 2,5 баробар кўпроқ турли гинекологик касалликларга чалинади. Доимий ичкиликбозлик аёл организмни емиради, эндокринологик ва асаб тизимларини ишдан чиқаради. Бепуштикка олиб келади. Ҳомилдорлик вақтида ичкиликка берилган аёл юрак хуруғи билан касалланган, марказий асаб тизимини ишдан чиққан, жинсий соғлом фарзандни дунёга келтиради. — Ешлар орасида ҳам бу иллат учраб туради, — дейди Тошкент давлат техника университети аспиранти Шухрат Исломов. — Бунга аввало оиладаги носоғлом муҳит сабаб бўлади. Усмирликда киши психологияси жуда тез ўзгаради. Ута қаттиққўллик ҳам, ўта бепарволик ҳам бу вазиятда боланинг нотўғри йўлларга қадам босишига олиб келади. Баъзи ёшлар оиласидаги оғир муҳитдан беэзиб, баъзилар ат-

Мутахассис шарҳи

Дунёда шундай оддий ҳақиқат бор: «Фойда олдинги, демек, унинг солигини ҳам тўлаб қўй». Шу кунларда жисмоний шахслар хулудий давлат солиқ органларига бориб, жами йиллик даромадлари тўғрисида декларация тақдим этишмоқда.

Даромадлар тўғрисида декларация

Уни топшириш тартиби ҳақида Наманган вилояти Тўрақўрғон туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Абдували Собиров қуйидагиларни гапириб берди. — Аввало шунинг қайд этиш керакки, декларацияни жисмоний шахслар, Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган ва резидентга айланган чет эллик жисмоний шахслар топширишади, — дейди у. — Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, 2009 йил давомида мулкчи (агар бўлса тўлов манбаида солиқ солинмаган бўлса), фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ҳамда улардан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи тариқасидаги икки киши ундан кўп, шундан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридаги, солиқ агентлари бўлмаган манбалардан даромад топган фуқаролар (солиқ қонунчилигига асосан резидент бўлган жисмоний шахслар) жорий йилнинг 1 апрели қадар декларация топширишлари керак. Декларацияда солиқ тўловчи ҳақида тўлиқ маълумот (исми-шарифи, туғилган йили, жинси, фуқаролиги, доимий яшаш манзили, идентификация рақами) бўлиши керак. Шунингдек, унда солиқ солиниши лозим бўлган маблағ турларга ажратиб кўрсатилган ҳолда олинган жами йиллик даромад манбалари ва у билан боғлиқ ҳарajatлар, мажбурий тўловлар, чикимлар ва ажратмаларнинг суммалари, имтиёзлар, ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси ва тўланган қисми акс эттирилиши керак. Декларация почта орқали буюртма хат ёки электрон алоқа шаклида тақдим этилиши ҳам мумкин.

Publication details including BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV, TAHRIR HAY'ATI: Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA, G'affor HOTAMOV, MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI, MARKAZIY KENGASHI, BO'LIMLAR: Partiya hayoti, Madaniyat va sport, Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot, Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot, Reklama va e'lonlar, Mas'ul kotib, VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda, Buxoroda, Gulistonda, Jizzaxda, Navoiyda, Namanganda, Nukusda, Samarqandda, Urganchda, Farg'onada, Denovda, MANZILIMIZ: 100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY, Navbatchi: Asror MO'MINOV, ISSN 2010-7633, O'Z A yakuni — 21.20, Topshirilgan vaqti — 23.50, 1 3 4 5, Sotuvda erkin narxda